

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

НАСРИДДИНОВ ЖАСУРЖОН ИСЛОМОВИЧ

КОРХОНАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИДА
АМОРТИЗАЦИЯ АЖРАТМАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ

08.00.07–Молия, пул муомаласи ва кредит

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation the abstract of doctor of Philosophy (PhD) on
economical sciences**

Насриддинов Жасуржон Исломович

Корхоналарни молиялаштириш тизимида амортизация ажратмаларининг
аҳамиятини ошириш.....3

Насриддинов Жасуржон Исломович

Повышение значимости амортизационных отчислений в системе
финансирования предприятий.....29

Nasriddinov Jasurjon Islomovich

Increasing the importance of depreciation charges in the enterprise financing
system.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

НАСРИДДИНОВ ЖАСУРЖОН ИСЛОМОВИЧ

**КОРХОНАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИДА
АМОРТИЗАЦИЯ АЖРАТМАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ**

08.00.07–Молия, пул муомаласи ва кредит

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Iqt246 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Тошмуродова Бувсара Эгамовна
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Атаниязов Жасур Хамидович
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Қурбонов Хайрулла Абдурасулович
Иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» 09 куни соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (217 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «08» 09 куни тарқатилди.
(2021 йил «08» 09 даги 40 рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Тешабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ф.К.Холмаматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

И.Н.Кўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган бугунги кунда унинг рақобатбардошлигини, техник ва технологик хавфсизлигини оширишда, технологик қайта қуроллантиришнинг молиявий манбаи бўлган дегрессив жадаллашган амортизация тизимидан самарали фойдаланиш имкониятларини белгилаб бермоқда. Ривожланган давлатларда дегрессив жадаллашган амортизация тизими хўжалик субъектларига қатор солиқ ва молиявий имтиёзлар бермоқда. Жадаллашган амортизация тизимини жорий этиш натижасида ушбу имтиёзлардан фойдаланиш хўжалик субъектлари учун нафақат солиқ тўловларини камайишига олиб келмоқда, балки шу билан бирга кўп ҳолларда камайтирилган ставкада солиққа тортилган тўла амортизациялашган ишлаб чиқариш қувватларини сотиш ҳисобига уларнинг ялпи даромадларини ҳам ўсишига олиб келмоқда. Таҳлил натижаларининг кўрсатишича, капитални дегрессив жадаллашган амортизация тизими жорий этилиши натижасида мамлакатларда компанияларнинг инвестиция фондлари ўсиши кузатилган.

Жаҳон амалиётида технологик хавфсизликни таъминлаш, инновацион-инвестицион саноат сиёсатини амалга ошириш, иқтисодий тармоқларида технологик қайта қуролланишни амалга ошириш, корхоналарда дегрессив жадаллашган амортизация тизими ривожлантирилмоқда. Шу муносабат билан ривожланаётган давлатларда миллий ҳисоб тизими талабларини ҳисобга олиб инфляция ва технологик тараққиёт шароитида фан техника тараққиёти ютуқларига тез берилувчан тармоқларда амортизациянинг инвестицион жараёнларни шакллантиришда жадаллашган амортизация усулини табақалаштириб рағбатлантириш, амортизациянинг ўрнини самарали қоплаш, унинг норма ва ставкасини аниқлаш, табақалашган мезонларини ва солиқ имтиёзларини ишлаб чиқишда дегрессив жадаллашган амортизация усуллари кўллаш бўйича мақсадли илмий изланишлар янада жадаллашмоқда.

Ўзбекистонда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 195,9 трлн. сўмни ташкил этиши, яъни ўтган йилга нисбатан 138,1 %га ортгани, ишлаб чиқариш корхоналарнинг асосий капиталдан унумли фойдаланишни тақозо этмоқда. Шу боис, ишлаб чиқариш корхоналари асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш ва корхона ўзини ўзи молиялаштиришда амортизация ажратмалари аҳамиятини ошириш муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. «Иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришиш. Инвестиция сиёсатини юритишда давлат иштирокини пасайтириб, хусусий ва тўғридан-тўғри инвестициялар улушини ошириш»¹ устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Мазкур вазифалар бажарилишини таъминлашда амортизация

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрь куни мамлакатимиз Парламентига Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2020 йил 30 декабрь.

усулларини самарали қўллаш корхоналар рақобатбардошлигини ошириш, корхоналарда молиявий барқарорликни таъминлаш, бозор талабига мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳамда корхонанинг реал амалиётда модернизациялашув жараёнини тезлаштириш танланган тадқиқот мавзусини долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 1 августдаги ПФ–5495-сон «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 8 январдаги ПФ–5614-сон «Иқтисодий янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 24-сон «Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори², шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Амортизация ва унинг жадаллашган усулларини қўллаш хусусиятларини тадқиқ этган хорижлик иқтисодчи олимлар қаторига Б.Эллот, Ж.Эллот, Френк Дж.Фабозци, Р.Пиндайк., Д. Рубинфельд., Э.С.Хендриксен, М.Ф.Ван Бреда, К.Макконел, Б.Стенлей, У.Гётци, Д.Норзкот, П.Шустер, Ж.Сломан, А.Врайд, М.А.Чатфилд, А.С.Литтлтон, Э.Шмаленбах, П.Ласкю, К.Маттерн, З.Танхайзер, Р.Маттессич³, рус олимларидан Я.В.Соколов, Р.Рувер, А.К.Рощаховский, К.А.Абгорян, Л.М.Контар, С.С.Носова, А.И.Балашов, Л.Крушвиц, О.В.Баскакова, Л.Ф.Сейко, Л.М.Бородай, А.В.Сидорович, Ю.Н.Лагинов, В.К.Сенчагов, В.А.Миллев, В.Ю.Куренков, Д.М.Палтерович, З.Н.Борисенко, П.В.Тальмина, А.П.Анфимов, М.М.Соколов, Д.В.Мотовилов, О.И.Немкина, А.Н.Цигичко ва бошқаларни киритиш мумкин⁴.

²www.lex.uz.

³Elliott V., Elliott J/ Financial accounting and reporting/ - L. 2011. 914 p.; Фабозци ФренкДж. Управление инвестициями: Пер. сангл. – М.: «ИНФРА-М», 2000. - 930 с.; Robert S. Pindyck., Daniel L. Rubinfeld. Microeconomics./ - L. 2018. 768 p.; Э. С.Хендриксен, М.Ф. ВанБреда. Теория бухгалтерского учета: Пер. сангл./Подред. проф. Я.В. Соколова. — М.: Финансыстатистика, 2000. — 576 с.: М. 2000.; McConnell C., Stanley B. Economics : principles, problems, and policies / - NY, 2008. p. 876.;Götze U., Northcott D. SchusterP., Investment Appraisal: Methods and models. / Springer-Verlag Berlin Heidelberg, 2008. p. 391.; Sloman J., Wride A. Economics. / Harlow. - 2009. p. 889.;Chatfield M.A. History of Accounting Thought. – N.Y. 1977. 39 p.; Littleton A.C. Accounting evolution to 1900. N.Y., 1933. 233 p.; Schmalenbach Eugen. Die Abschreibung, in:ZfHf, Jg.5(1910/11). С. 81.; Lasse'que P. Gestion de l'entreprise et comptabilit. – Dalloz. 1975.; К.Маттерн,З. Танхайзер. ОсновныефондывпромышленностиГДР. М.: Экономика, 1983. – стр. 176-180.; Mattessich R. Two Hundred Years of Accounting Research. – New York: Routledge, 2008.

⁴ Носова С.С. Экономическая теория : учебник / — 4-е изд., Москва: КНОРУС, 2017. - 792 с.; А.И.Балашов и др.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Ш.Шодмонов, Т.Т.Жўраев, А.Ўлмасов, Р.С.Муратов, С.Ш.Орипов, Б.Абдукаримов, Н.Жумаев, Б.Э.Тошмуродова, Р.Х.Карлибаева, М.Б.Хамидулин, И.Қўзиев, С.У.Мехмонов, Т.С.Маликов, Н.Х.Хайдаров, О.О.Олимжоновлар илмий изланишларида амортизация назарияси капитал ҳаракати ва самарадорлигини ошириш масалалари бўйича атрофлича тадқиқотлар олиб боришган⁵.

Бироқ Ўзбекистоннинг инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида такрор ишлаб чиқариш жараёнида асосий капитални модернизациялаш ва иқтисодиётни барқарор ўстириб бориш талабларини ҳисобга олиб жадаллашган амортизация тизимини қўллашнинг назарий асосларини тизимли такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишларни олиб боришни тақозо этмоқда. Ушбу жиҳатлар илмий иш мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади корхоналарни молиялаштириш тизимида амортизация ажратмаларининг аҳамиятини ошириш бўйича илмий тақлиф ва

Экономическая теория: учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям. / под ред. Н.Д.Эриашвили. – М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2015. – 527 с.; Крушвиц Л. Финансирование и инвестиции. Неоклассические основы теории финансов. Учебник. – Санкт-Петербург, 2000. – 381 с.; О. В. Баскакова, Л. Ф. Сейко. Экономика предприятия (организации): Учебник /— М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2013. — 372 с.; Бородай В.А. и др. Экономика предприятия (организации) [Электронный ресурс] : учебное пособие. –Эл. изд. - Электрон. текстовые дан. (1 файл pdf:501 с.). –Нижний Новгород: НОО «Профессиональная наука», 2018.; Соколов Я.В. Бухгалтерский учет: от истоков до нашей дней: Учебное пособие для вузов. – М.:Аудит, ЮНИТИ, 2006. – 46 стр.; Рувер Р. Д. Как возникла двойная бухгалтерия. – М.: - Госфиниздат, 2008. – 41-42 стр.; Рошаховский А.К. Балансы акционерных предприятий. Сиб., 1910.стр.88.; Абгорян К.А. Эффективность воспроизводства основных производственных фондов. – Ереван, ЕГУ, 2003 – стр. 28.; Контар Л.М. Воспроизводства основных фондов в СССР. – М.: Мысль 1970 стр. 220.; Сидорович А.В. Фонд возмещения при социализме. – М.: Мысль 1978 стр. 29.; Лагинов Ю.Н. Новая экономическая теория – новая классика: Революционный прорыв во всех представлениях о сущностях экономики. – М.: изд. ЛКИ. 2008. стр. 73.; Сенчагов В.К., Миллев В.А. Образование, распределение и использование амортизационного фонда в промышленности. // Сб. Проблемы совершенствования систем амортизации (материалы научной конференции). М.: 2000. Стр. 86-87.; Куренков В.Ю., Палтерович Д.М. Технический прогресс и оптимальное обновление производственного аппарата. М.: Мысль. 1975. Стр. 187.; Борисенко З.Н. Амортизационная политика. – Киев. Наука и Думка. 1993.; Григорьев В.В. Оценка и переоценка основных фондов. – М.: ИНФРА-М. 1997.; Тальмина П.В. Финансов рычаги повышения фондоотдачи. М.: Финансы и статистика, 1990. – стр. 130.; Анфимов А.П. Частные инвестиции как определяющий фактор экономического роста в условиях перехода к рынку. Дисс. на соиск. канд. экон. наук. Самара. 1999. стр. 76.; Соколов М.М. Изменения в амортизационной политике как особая форма налогового воздействия на развитие экономики // Всё о налогах. – 2008. -№3; Мотовилов Д.В. Источники капитала для финансирования нововведений. – С.Пб. 1997; Моделирование стратегических решений по формированию и использованию амортизационного фонда предприятия. – Казань: Изд-во КФЭИ, 1997.; Цигичко А.Н. Возмещение основного капитала как фактор экономического роста.: М.: Экономика, 1993.; Шелемех Н.Н. Влияние амортизационных отчислений на налог, на прибыль // Налоговой вестник. 1999. №8.

⁵Шодмонов Ш., Алимов Р.Х., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. Т.: «Молия», 2002.; Жураев Т.Т. Иқтисодий ресурслар доиравий жараёнининг назарий асослари ва самарадорлигини ошириш омиллари. Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006. - 165 бет., Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик Т.: «Иқтисод-молия», 2014. 424 бет.; Муратов Р.С., Джалалова И.А., С.Ш.Орипов. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: «Фан ва технология», 2014. 424 бет.; Абдукаримов Б. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: «Фан ва технология», 2013. 368 бет.; Ваҳобов А.В., Жумаев Н.Х., Ҳошимов Э.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. – Т.: Академнашр, 2009. -141 б.; Toshmurodova V., Elmirzaev S., Tursunova N.. Moliyaviy menajment. Учебник. – Т.: «Iqtisod-moliya». 2017. – 338 б.; Карлибаева Р. Тижрат асосида фаолият олиб борувчи субъектлари молиявий барқарорлигини таъминлаш. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2019. – Б.1-8; Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. Дисс.....д-ра эк.наук. – Т.: 2008; Мехмонов С. У., Раззоков Х. Р. Роль цифровой экономики в привлечении инвестиций //Теория и практика современной науки. – 2020. – №. 2. – С. 166-168.; Олимжонов О.О., Маликов Т.С. Молиявий менежмент. Т.: «Академия» нашриёти 1999 – 193 б.; Т.С.Маликов, Н.Х.Хайдаров ва бошқ. Молиявий бошқарув / Муаллифлар жамоаси: -Т.: Ф.Фулум номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2009 – 433 бет.

тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

амортизация тушунчасига назарий қарашлар эволюциясидаги турли илмий-назарий қарашларни ўрганиш;

жадаллашган амортизацияни ҳисоблаш усуллари, унинг мезони ва кўрсаткичларини бир тизимга келтириш;

жадаллашган амортизация усулини қўллашнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш ва унинг миллий иқтисодиётдаги хусусиятларини аниқлаш;

миллий иқтисодиётнинг тармоқлари ва соҳаларида асосий капиталда жадаллашган амортизацияни шаклланиши, улардан фойдаланишнинг ҳолатини баҳолаш ва уни ҳисоблашнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил этиш;

асосий капиталга жадаллашган амортизацияни ҳисоблашни табақалаштириш мезонлари ва шарт-шароитларини таҳлил этиш;

Ўзбекистонда жадаллашган амортизация усулини қўллашнинг молиявий механизмини ва ҳуқуқий асосларини давлат томонидан такомиллаштириш;

асосий капиталга ҳисобланган амортизация ажратмасидан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

кўп омилли эконометрик модель асосида асосий фондларнинг эскириш қийматлари даражасини амортизация ажратмаларининг йиллик умумий ҳажмига бўлган таъсири бўйича илмий таклиф, амалий тавсияларни ҳамда унинг истиқболли прогнозларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон иқтисодиётидаги асосий капиталдан фойдаланувчи хўжалик субъектлари фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети корхоналарни молиялаштириш тизимида амортизация ажратмаларининг аҳамиятини оширишда юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, илмий тафаккур, иқтисодий-статистик, тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иқтисодий ривожланишни баҳолашда асосий фондлар амортизациясини асосий капитал истеъмоли кўрсаткичи сифатида акс эттириш асосланган;

фойдаланишда бўлган асосий воситалар сотиб олинганда мазкур объектдан аввалги мулкдор томонидан фойдаланган муддатни чиқарган ҳолда амортизация нормасини белгилаш таклиф этилган;

инновацион ва инвестицион лойиҳалар учун жорий этилган инвестициявий чегирмаларни жадаллашган амортизация харажати сифатида қабул қилиш ва инвестициявий чегирмани 10 фоиз миқдорида белгилаш таклиф этилган;

асосий фондлар тўлиқ ва қолдиқ қийматлари бўйича жадаллашган усулда ҳисобланган амортизация ажратмаларининг унинг йиллик ҳажмига таъсирининг 2030 йилгача кўп вариантли прогнози ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

амортизация назариясига турлича қарашлар умумлаштирилиб, уни ҳисоблашнинг турлича усуллари қиёсий таҳлил қилинган ва дегрессив

жадаллашган амортизация усуллари жорий этишга оид муаллифнинг тизимли ёндашуви ишлаб чиқилган;

амортизация ажратмасининг асосий капитални такрор ҳосил қилиш, инвестицион ресурсларни шакллантириш ва инновацияларни рағбатлантиришдаги роли асосланган;

дегрессив жадаллашган амортизация усуллари қўллашнинг хусусиятлари ва уни давлат томонидан рағбатлантириш бўйича аниқ таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, монографик таҳлил ва статистик маълумотлар базасининг расмий манбалардан олинганлиги, самарадор замонавий эконометрик усуллардан фойдаланилганлиги, эмпирик натижаларнинг мақсадга мувофиқ таҳлил этилганлиги ҳамда тегишли хулоса, таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация ишида олинган хулосалар, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва тавсиялардан жадаллашган амортизация усуллари қўллашнинг миллий иқтисодиётдаги хусусиятлари фундаментал ва амалий жиҳатларини ўрганиш ҳамда ривожлантиришга бағишланган махсус илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса диссертация ишининг асосий ғоя ва материалларидан жадаллашган амортизацияни ҳисоблаш усуллари янги солиқ сиёсати билан ўзаро боғлиқликда жорий этиш, жисмоний ва маънавий эскирган асосий фондлар улуши ўсиб боришининг салбий оқибатларини олдини олиш, асосий капитал янгиланишининг молиявий базасини мустаҳкамлашга қаратилган ҳукумат чора-тадбирлари тизимини кучайтиришга қаратилган дастурларни, шунингдек, меъёрий-ҳукуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда манбаа сифатида фойдаланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Корхоналарни молиялаштириш тизимида амортизация ажратмаларининг аҳамиятини ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

иқтисодий ривожланишни баҳолашда асосий фондлар амортизациясини асосий капитал истеъмоли кўрсаткичи сифатида акс эттириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси томонидан мамлакат миқёсида асосий фондлар амортизациясини ҳисоблаш жараёнида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 16 мартдаги 01/1-03-17/2-20-сон маълумотномаси). Натижада Миллий ҳисоб тизими талаблари асосида мамлакат миқёсида асосий фондлар амортизациясини ҳисоблаш тизими шакллантирилган;

фойдаланишда бўлган асосий воситалар сотиб олинганда мазкур объектдан аввалги мулкдор томонидан фойдаланган муддатни чиқарган ҳолда амортизация нормасини белгилаш таклифи Ўзбекистон Республикаси

Солиқ кодексининг янги таҳририда (306-модда) ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 23 мартдаги 04/15-01-6/10-1019-сон маълумотномаси). Натижада, фан-техника тараққиёти ютуқларига тез берилувчан тармоқларда замонавий техника ва технологияларнинг янгилашиши жараёни тезлашган.

инновацион ва инвестицион лойиҳалар учун жорий этилган инвестициявий чегирмаларни жадаллашган амортизация харажати сифатида қабул қилиш ва инвестициявий чегирмани 10 фоиз миқдорда белгилаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳририда (308-модда) ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 23 мартдаги 04/15-01-6/10-1019-сон маълумотномаси). Натижада, инвестициявий чегирмалар солиқ имтиёзи сифатида эмас, жадаллашган амортизация сифатида берилиши фойда солиғи базасини асосиз камайишининг олдини олиш имконияти яратилган;

асосий фондлар тўлиқ ва қолдиқ қийматлари бўйича жадаллашган усулда ҳисобланган амортизация ажратмаларининг унинг йиллик ҳажмига таъсирининг 2030 йилгача кўп вариантли прогнози бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан прогноз кўрсаткичларни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 23 мартдаги 04/15-01-6/10-1019-сон маълумотномаси). Натижада 2019-2030 йилларда асосий фондларнинг миллий иқтисодиёт ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги эскириш қийматлари даражаси, уларнинг тўлиқ ва қолдиқ қийматларининг амортизация ажратмаларини йиллик умумий ҳажмига бўлган таъсирини миллий иқтисодиётни инновацион тараққиёт йўлига ўтказиш стратегиясини белгилаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 10 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 2 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 127 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда амортизация ва унинг илмий-назарий асослари»** деб номланган бўлиб, амортизация тушунчаси тўғрисидаги назарий қарашларнинг шаклланиши, жадаллашган амортизациянинг мазмуни ва уни ҳисоблашнинг ҳозирги замон иқтисодий талқини, жадаллашган амортизация ҳисоблаш усулини қўллашнинг жаҳон тажрибаси ва унинг миллий хусусиятларини ўрганиш каби масалалар ёритилган.

Рақобатли бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар асосий фондлардан иборат активларини такрор ишлаб чиқаришни ва доимий янгилианишини ўз молиявий манбалари ҳисобига амалга оширишни тақозо қилади. Амортизация ажратмалари механизми улардан бири бўлиб, уни самарали амалга ошириш учун нафақат ҳозирги замон амортизация концепциясини чуқур билиш, балки инсониятнинг бу борада тўплаган тажрибасини ўрганиш ҳам тақозо этилади. Илмий манбаларда: «Мунозарали бўлсада амортизация Римнинг дастлабки христианлигида ҳисобчиларга маълум эди, деган қарашлар мавжуд бўлганлиги»⁶ қайд қилинади. Амортизация тушунчасини энг биринчи таърифлаш қадимги Рим архитектори Витрувийга тегишли бўлиб, унинг «ўтган йиллардаги нарх» эканлиги қайд қилинади. Витрувий узок муддат фойдаланиладиган объектларни, масалан, умумий фойдаланишдаги деворни баҳолаш учун таннархини ҳисобга олиш ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди, айна вақтда ҳар йили унинг қийматидан хизмат муддатига тенг тақсимланган (1/80 қисми) қисми ҳисобидан чиқарилиши зарурлигини кўрсатади. «Чунки бу девор 80 йилдан ортиқ мавжуд бўлиши мумкин эмас»⁷. Амортизация асосий воситалар қийматининг камайиши сифатидаги статистик ғояни назарий асослаш Дж.Мейронга тегишли. Дж.Мейрон молиявий натижадан ҳисобланган субъектив амортизация суммасини ва жорий қайта баҳоланган (қайта тикланган) қийматини акс эттириш лозимлигини кўрсатади (1757 й.).

Амортизация тўғрисидаги назарий қарашлар анча олдин (250-300 йил аввал) пайдо бўлган бўлса ҳам, уни амалиётда ҳисоблаш фақат XIX асрга келиб Европа темир йўл компанияларида кенг тарқалган.

Ю.Матесон 1884 йил чоп қилинган «Амортизация фабрикаси» («Амортизация фабрик») китобида мулкни даврий баҳолаб туришга

⁶ Chatfield M.A. History of Accounting Thought. – N.Y. 1977. 39 p.

⁷ Соколов Я.В. Бухгалтерский учет: от истоков до нашей дней. Учебное пособие для вузов. – М.:Аудит, ЮНИТИ, 1996. – 46 стр.

йўналтирилган амортизация ҳисоблашнинг статистик усулини танқид қилиб, махсус ишлаб чиқилган меъёр (норма)лардан фойдаланиб, даврлар бўйича ажратмалар қилишни, ҳамда «Эскириш ва эҳтиёт» деб номланган амортизация фонди тузишни таклиф қилади. Унинг фикрича, амортизациялаш муаммоси эскиришни қоплаш лаёқати, қайта тиклаши орқали асосий фондларни «ўлмас» қилиб қўяди⁸.

Амортизацияни ва унинг жиҳатларини ҳисобга олиб таърифлаш, республикамиз иқтисодчи олимлари ишларда ҳам кузатилади. Жумладан, Т.Жўраев бир манбада «Амортизация – асосий капитал эскириб боришига қараб, унинг қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (хизмат)га ўтказилиши ва уни қайта тиклаш мақсадида жамғарилиб бориш жараёнини англатади»⁹, деб қайд қилса, бошқа монографик тадқиқот ишида «Амортизация иқтисодий категория сифатида асосий капитал қиймати ҳаракатининг шакли»¹⁰ ҳисобланишини эътироф этади.

Анъанавий бухгалтерия концепциясида амортизацияни ҳисоблашга иқтисодий баҳолаш эмас, балки даромадларни тақсимлаш амалиёти сифатида қаралади¹¹. У сарф-харажатлар ёки капитал активлар қийматини (тугатилиш қийматини чиқариб ташлангандан кейин) уларнинг бутун хизмат даври давомида доимий ва рационал усулларда тақсимлашни тақозо қилади. Амортизацияни ҳисоблаш жараёнида асосийси даврий чегирма суммасини аниқлаш ҳисобланиб, бу ҳар ҳисобот даврида мазкур суммани даромадларда қайд қилиш имконини беради.

Мазкур ёндашувда амортизация фақат узоқ муддатли активлар қийматини тақсимлаш усули сифатида чиқади. Бу ерда корхона даражасида инвестицияларни амалга оширишга анча қулай шароит яратиш учун тақсимлаш вариантларини эркин танлаш имконияти ҳам мавжуд бўлади. Корхона солиқ ундириладиган фойда, яъни даромаднинг бир қисмини (харажатлар чиқарилгандан кейин) асосли ҳисоблаш мақсадида ҳисобот даври харажатларини тўғри акс эттиришга ҳаракат қилади.

Амортизациянинг молиявий-иқтисодий концепцияси асосий капитал қийматини такрор ишлаб чиқаришда реал (жисмоний ва маънавий) эскиришини акс эттирувчи иқтисодий асосланган нормалар бўйича ҳисобдан чиқариш сифатида тавсифланади¹². Амортизациянинг бухгалтерия концепцияси ўзининг мантиқан давомини солиқ ёндашувида топади. Бунда амортизация дейилганда асосий капитал қийматини солиқ нормалари бўйича ҳисобдан чиқарилиш тушуниладики, унинг миқдори иқтисодий асосланган меъёрлардан ортиб кетади. Айни вақтда, фойдага солиқ ҳисоблаш учун унинг базаси камаяди. Амортизациянинг бухгалтерия концепцияси янада ривожланиши асосий капитал таркибига номоддий активлар қийматини

⁸ Mattessich R. Two Hundred Years of Accounting Research. / NY.: 2008. p. 630.

⁹ Жўраев Т.Т. Иқтисодий назарияси (кўргазмали қўлланмалар ва тест саволлари) 1-қисм. Т.: «Fan va texnologiya», 2010. - 113 бет.

¹⁰ Жўраев Т.Т. Иқтисодий ресурслар доиравий жараёнининг назарий асослари ва самарадорлигини ошириш омиллари. Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006. - 165 бет.

¹¹ Афанасьев М., Кузнецов П. Забытая амортизация (причины недоиспользования методов ускоренной амортизации) // Вопросы экономики, 1996. - №4 – стр. 106.

¹² Белова С., Волков Н., Поздняков Е. Амортизационная политика в переходной экономика // Экономист – 1998. - №12. стр. 22.

киритиш билан боғлиқ. Номоддий активлар буюм кўринишига эга бўлмаган объектлар сифатида чиқади. Активлар сифатида қайд қилиш учун улар бир нечта талабларга жавоб бериши зарур: маълум объект (актив) тавсифига эга бўлиши, ўлчамлилиги, аҳамиятли бўлиши ва аниқлиги (ишончлилиги).

Амортизациянинг вазифалари иқтисодий ҳодиса сифатида ўзининг таъсирини иқтисодий категория ва дастаклар орқали намоён қиладики, уларнинг ўзаро таъсири амортизация сиёсатининг мазмунини ифодалайди. Хўжалик механизмида бундай дастаклар сифатида қуйидагилар чиқади: амортизация нормаси; амортизацияни ҳисоблаш усуллари; амортизация фондидан фойдаланиш тартиби. Мазкур дастаклар ва амортизациянинг вазифалари ўзаро боғлиқлигини қуйидагича тасвирлаш мумкин.



1-расм. Амортизация механизмининг таркибий схемаси¹³

Амортизация нормаси асосий капитал ва номоддий активлар қийматидан маълум фоизларни ифодалаб, у йил давомида амортизацияни ҳисоблашда зарур бўлади. Амортизация нормаси давлат амортизация сиёсатининг асосий иқтисодий дастаги ҳисобланади.

Амортизация нормаси директив-меъёрий тавсифга эга ва ўзининг миқдорий ўлчамида қуйидаги учта таркибнинг бир даражадаги таъсирини ифодалайди:

а) инвестицион лойиҳани амалга ошириш жараёнида олдин ишга тушган асосий капиталдан келгусида фойдаланишнинг гипотетик (прогноз қилинган, ҳисобланган) муддати;

б) асосий капиталга қўйилган молиявий инвестицияларнинг мақбул (рационал, оптимал мақсадга мувофиқ) қопланиш даври;

в) давлатнинг солиқ солиш соҳасидаги¹⁴ амалга оширадиган иқтисодий сиёсати ва ижтимоий-иқтисодий стратегиянинг умумий йўналишини ҳисобга олган инвестицион фаолияти.

Амортизацияни ҳисоблаш усуллари дейилганда, меҳнат воситалари қийматини улар хизмат давридаги йиллар бўйича маълум тизимли ёндашувга тақсимлашни тушуниш зарур. Амортизацияни ҳисоблаш усуллари бири-биридан ажратмани амалга ошириш даражаси ва уларни тақсимлаш тартиби бўйича фарқланади.

Камайиб борувчи қолдиқ усулда амортизация ажратмасининг йиллик

¹³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁴ Амортизация нормаси фойда миқдори ва солиқ ундириладиган асосга таъсир кўрсатади.

суммаси асосий капитал объектларининг қолдиқ қиймати ва уларнинг нафи фойдаланиш даврига асосланиб ҳисобланган амортизация нормасидан келиб чиқиб аниқланади, яъни:

$$A_k = \frac{K_{AK}}{X_{ДАК}} \quad (1)$$

Бу ерда: K_{AK} – асосий капитал қолдиқ қиймати.

Фойдаланиш давридаги йиллар йиғиндисига қийматни чегирма қилиш усулида амортизациянинг йиллик суммаси асосий капитал дастлабки қийматини ва йиллар нисбатидан келиб чиқиб аниқланади. Бунда асосий капиталнинг хизмат даври охиригача қолган йиллар сони, нафли фойдаланиш даврига бўлинади, яъни:

$$K_{dak} = \frac{K_{кол}}{T} \quad (2)$$

Бу ерда:

K_{dak} – асосий капитал дастлабки қиймати;

$K_{кол}$ – фойдаланиш даври охиригача қолган йиллар сони;

T – фойдаланиш даври.

Иқтисодиётга фан-техника ютуқларини жорий қилишни тезлаштириш учун молиявий шарт-шароитларни вужудга келтириш ва ишлаб чиқарувчиларнинг асосий капиталларнинг фаол қисмини тезкор янгилаш ҳамда инновацион ривожланишдан манфаатдорликни ошириш мақсадида жадаллашган амортизация усулидан фойдаланиш кўзда тутилади.

Жадаллашган амортизацияни асосий капиталларнинг белгиланган норматив хизмат муддати таққосланганда улар баланс қийматини ишлаб чиқариши харажатларига тўлиқ ўтказилиши таъминланилишига кўра мақсадли усул ҳисобланади.

Амортизацияни ҳисоблашнинг жадаллашган усули материалларнинг янги прогрессив турларини ишлаб чиқариш, компьютер технологияларини жорий қилиш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, маҳсулот экспортини кенгайтириш учун фойдаланиладиган асосий воситаларга нисбатан янги анча унумли техникалар билан оммавий алмаштириш тақозо қилинганда кенг қўлланиши мумкин.

Жадаллашган амортизация киритилганда уни ҳисоблашнинг бир текисдаги (чизиқли) усули қўлланилади, бунда тўлиқ тиклашга йиллик амортизация ажратмаси нормаси белгиланган тартибдан икки мартадан кўпга ошмаслиги зарур.

Жадаллашган усулнинг мазмуни шундан иборатки, асосий воситалардан фойдаланишнинг дастлабки даврида ҳисобланган амортизация суммаси унинг хизмат даврининг охиридаги ажратмасидан бир мунча кўп бўлади. Бу усулдан фойдаланиш шундан келиб чиқадики, ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) мақсадида асосий воситаларнинг кўпчилик турлари ишлатилишининг дастлабки йилларида анча самарали фаолият кўрсатиб, юқори унумдорлик лаёқатига эга бўлади. Бу асосий капиталдан фойдаланишнинг дастлабки даврида эскиришининг катта қисмини ҳисобдан

чиқариш қоидасига тўлиқ мос келади, ҳолбуки уларнинг нафлилиги ва ишлаб чиқариш лаёқати хизмат даврининг кейинги йилларида пасайиб боради. Жадаллашган усулларидадан фойдаланишнинг зарурлиги яна шу билан ҳам изоҳланадики, технологияларнинг такомиллашиб бориши билан боғлиқликда асосий капиталнинг кўпчилик турлари ўзларининг қийматини тез йўқотади (маънавий эскиради). Шу тариқа, бу хизмат даврининг охирига нисбатан бошланишида улар қийматининг катта қисмини ҳисобдан чиқаришнинг мантиқан тўғри эканлигига асос бўлади.

Жадаллашган амортизация усуллари қўллаш шarti билан асосий воситаларнинг кенгайтирилган такрорланишида қўлланиладиган, ушбу усуллардан фойдаланиш туфайли солиқларнинг тежалиши компаниянинг капитал базасини мустақкамлашга йўналтирилган¹⁵.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Статистика комиссияси раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва жаҳон иқтисодиётининг охириги йўналишлари (тенденциялари)ни ҳисобга олган ҳолда миллий ҳисоблар тизими (МХТ) – 2008 стандарти ишлаб чиқилди. Ушбу МХТ-2008 га жаҳондаги ривожланган давлатлар АҚШ, Европа иттифоқи, Канада мамлакатлари тўлиқ ўтган. Шунингдек, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида ҳам ушбу стандартни жорий этиш бўйича қатор ишлар режалаштирилган. Янгиланган стандарт МХТ-1993да нисбатан қатор муҳим иқтисодий операцияларни янгича кўринишида акс этган. Бунда, молиявий воситачилик хизматлари, ҳарбий харажатлар, илмий тадқиқот фаолияти харажатлари ва хусусий уй-жойда яшаш бўйича хизматлар акс этади. Ҳозирга қадар Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳисоблар тизимида МХТ-93 халқаро стандарти методологик асос бўлиб келган. Янги МХТ-2008 стандартини жорий этиш ЯИМни ҳисоблашнинг барча усулларига – якуний истеъмол усули, ишлаб чиқариш усули, даромадлардан фойдаланиш усули ва харажатлар бўйича ЯИМни ҳисоблашда айрим ўзгаришлар таъсир қилади.

Ялпи ички маҳсулотни якуний истеъмол усулида ҳисоблаш бўйича услубий низом ишлаб чиқилиб, унда асосий капитал истеъмоли – ҳисобот даврида ишлаб чиқарувчига тегишли бўлган ва фойдаланиладиган асосий фондлар захиралари жорий қийматининг жисмоний эскириши, одатий маънавий эскириши ёки тасодифий шикастланиш натижасида камайиши ҳисобланади. Бундан келиб чиқадики, асосий капитални эскириши, яъни амортизация ажратмалари асосий капитал истеъмоли сифатида намоён бўлади. Шу туфайли, республикамизда корхоналар молиявий ҳисоботларида акс этган амортизация, ялпи ички маҳсулотни якуний истеъмол усулида ҳисоблаш кўрсаткичларидан бири сифатида қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

Жадаллашган усулни қўллаш амортизация жамғармаси унинг қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифаларини рўёбга чиқаришнинг самарали воситаси бўлиб қолади. У фан-техника тараққиётини жорий қилиш

¹⁵ Yuriy I. Methodological Aspects of Depreciation as an Economic Category. - Vol 6 • Special Issue (S1) • 2016. p. 93.

суръатларига, жамғарма маблағларининг тармоқлараро тақсимланишига ва корхоналар хўжалик фаолиятининг молиявий натижаларига сезиларли таъсир кўрсатади.

Капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг барча муҳим манбаларидан ҳисобланган амортизация ўз маблағлари сифатида фойда каби инвестицияларни молиялаштириш ресурси бўлиш билан бирга солиқ олинадиган базани камайтириб, молиялаштириш манбасини оширади.

Диссертациянинг «Ўзбекистон иқтисодиётида асосий капиталга жадаллашган амортизация ҳисоблашнинг амалий жиҳатлари» деб номланган иккинчи бобда миллий иқтисодиётда асосий капиталга жадаллашган амортизацияни ҳисоблашнинг ҳозирги ҳолати таҳлили, асосий капиталга жадаллашган амортизацияни ҳисоблашни табақалаштириш ва унга таъсир қилувчи мезонлар, хўжалик юритувчи субъектларда жадаллашган амортизация усулларини қўллашни самарали мувофиқлаштириш тартиби ишлаб чиқилган.

Республикамизнинг турли иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталнинг ҳолати турлича бўлиб, ҳар бир тармоқда турлича фойдаланилмоқда ва ҳисобга олинмоқда. Бу ҳолатни илмий тадқиқот давомида ўрганилиб чиқилди ва қуйидаги натижалар олинди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ЯИМ, соф фойда ва жамланган амортизациянинг самарадорлик кўрсаткичлари¹⁶

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар				
			2015	2016	2017	2018	2019
1	Ялпи ички маҳсулот	млрд. сўм	221350,9	255421,9	317476,4	424728,7	529391,4
2	Соф фойда (зарар)	млрд. сўм	13914,6	17064,1	8104,2	34458,0	35265,2
3	Жамланган амортизация суммаси	млрд. сўм	16314,5	52968,8	64356,3	78652,0	90449,8
4	ЯИМнинг 1 сўмига тўғри келадиган соф фойда миқдори	сўм	0,1	0,1	0,1	0,03	0,07
5	1 сўм ЯИМга тўғри келадиган амортизация миқдори	сўм	0,3	0,3	0,3	0,3	0,17
6	Амортизациянинг 1 сўмига тўғри келадиган соф фойда миқдори	сўм	0,41	0,26	0,27	0,10	0,39
7	Соф фойданинг 1 сўмига тўғри келадиган амортизация миқдори	сўм	2,44	3,81	3,77	9,71	2,56

Манба. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Республика миқёсида ЯИМнинг 1 сўмига тўғри келадиган соф фойда миқдори 2015 йил, 2016 йил, 2017 йилда 0,1 сўм, 2018 йилда 0,03 сўм, 2019 йилда 0,17 сўмни ташкил қилган. ЯИМнинг 1 сўмига тўғри келадиган амортизация миқдори 2015-2018 йилларда 0,3 сўмдан ўзгаришсиз бўлиб, 2019 йилда эса 0,17 сўм бўлган. Амортизациянинг 1 сўмига тўғри келадиган соф фойда миқдори 2015 йилда 0,41 сўм, 2016 йилда 0,26 сўм, 2017 йилда 0,27 сўм, 2018 йилда 0,10 сўм, 2019 йилда 0,39 сўмни ташкил қилган. Соф фойданинг 1 сўмига тўғри келадиган амортизация миқдори эса 2015 йилда 2,44 сўм, 2016 йилда 3,81 сўм, 2017 йилда 3,77 сўм, 2018 йилда 9,71 сўм, 2019 йилда 2,56 сўмни ташкил қилган.

Ҳар йили асосий капиталга инвестициялар киритилади ва бу асосий воситалар ҳажмини ортишига олиб келади. Ортиб бораётган асосий капиталдан ҳисобланаётган амортизация ҳам ортади. Бу кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликдан келиб чиқиб, уларнинг самарадорлиги қуйидагича бўлди.

Ҳисобланган амортизациянинг 1 сўмига тўғри келадиган инвестициялар 2015 йилда 0,85 сўм, 2016 йилда 0,80 сўм, 2017 йилда 0,92 сўм, 2018 йилда 1,07 сўм, 2019 йилда 1,55 сўмни ташкил қилган. Бундан кўриш мумкинки, 2015 йилдагидан кейинги йилларда кўпайиб борган, яъни асосий капиталга инвестиция миқдори ортган. Инвестицияларнинг ортиши республикамиз ялпи ички маҳсулотини, яъни моддий ва маънавий неъматларни кўпроқ яратиш имкониятини беради.

2-жадвал

Асосий капиталга қўйилган инвестициялар ва ҳисобланган амортизация самарадорлиги¹⁷

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2015	2016	2017	2018	2019
1	Асосий капиталга инвестициялар	млрд. сўм	44810,4	51232,0	72155,2	124231,3	195927,3
2	Ҳисобланган амортизация суммаси	млрд. сўм	52968,8	64356,3	78652,0	116181,5	126497,2
3	Ҳисобланган амортизациянинг 1 сўмига тўғри келадиган инвестициялар	сўм	0,85	0,80	0,92	1,07	1,55
4	Асосий капиталга инвестицияларнинг 1 сўмига тўғри келадиган ҳисобланган амортизация	сўм	1,18	1,26	1,09	0,94	0,65

Манба. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида

Асосий капиталга инвестицияларнинг 1 сўмига тўғри келадиган ҳисобланган амортизация 2015 йилда 1,18 сўм, 2016 йилда 1,26 сўм,

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

2017 йилда 1,09 сўм, 2018 йилда 0,94 сўм, 2019 йилда 0,65 сўмни ташкил қилган. Бу самарадорлик кўрсаткичи 2017 йилга қадар ошиб келиб, 2017-2019 йилларда эса пасайган, яъни асосий капиталга нисбатан ҳисобланган амортизация камайган. Агар ҳисобланаётган амортизация ҳам ортиб борса, асосий капиталга инвестициялар учун ички манбаларнинг юзага келган бўлар эди.

Миллий иқтисодиётимизнинг тармоқлари асосий воситалари эскиришини таҳлил қилганда, қуйидагича эканлигини кўришимиз мумкин. 2016 йилда барча асосий воситалари таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари 24,4%ни, саноат 35,7%ни, қурилиш 39,0%ни ташкил этган. Хизматлар соҳасида эскириш улуши 36,3%ни ташкил этмоқда. 2017 йилда барча асосий воситалари таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари 22,4%ни, саноат 35,5%ни, қурилиш 38,1%ни ташкил этган. Хизматлар соҳасида эскириш улуши 34,7%ни ташкил этмоқда. 2018 йилда барча асосий воситалари таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари 16,5%ни, саноат 35,8%ни, қурилиш 38,8%ни ташкил этган. Хизматлар соҳасида эскириш улуши 27,6%ни ташкил этмоқда. 2019 йилда барча асосий воситалари таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари 16,8%ни, саноат 36,1%ни, қурилиш 38,9%ни ташкил этган. Хизматлар соҳасида эскириш улуши 27,8%ни ташкил этмоқда. Таҳлилдан хулоса қилиб мумкинки, ишлаб чиқариш соҳасининг таркибидаги қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари улуши камайган, саноатнинг ҳиссаси ортиб борган. Республикамизда саноат ишлаб чиқаришига инвестицияларни жалб этилиши соҳани кенгайтириши ва ривожланишига сабаб бўлмоқда. Саноат доим иқтисодий тармоқлар таркибий тузилмасида асосий улушни ташкил қилади. Инновацион иқтисодиёт шароитида амортизация маблағларидан мақсадсиз фойдаланилиши ва уларнинг сочилиб кетиши сабабли, ҳатто оддий қоплаш учун етишмаслиги шароитида амортизация сиёсатини кучайтирмасдан ривожланишнинг инновацион йўлини шакллантириш мумкин эмас.

Жиззах вилоятида фаолият юритаётган йирик корхоналардан «Жиззах пластмасса» ва «Жиззах аккумулятор заводи» АЖнинг иқтисодий кўрсаткичлари ўрганиб чиқилди. Дастлаб «Жиззах пластмасса» АЖнинг иқтисодий салоҳиятини таҳлил қиламиз.

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «Жиззах пластмасса» АЖ 2015-2020 йилларда олинган даромад 2015 йилда 12257463 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2018 йилда энг юқори 39669763,0 минг сўм бўлиб, кейинги йилларда камайган. Бу 2015 йилга нисбатан қарийб 2 баробарга ўсган. Шунингдек, жамиятнинг асосий воситаларини ўртача йиллик қийматида ҳам шунга мос равишда ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 2020 йилга келиб 4 баробарга ўсган. Бунда жамиятнинг фонд самарадорлиги 2015 йилда 1,43 сўмни ташкил қилган бўлса, 2017 йилда мазкур кўрсаткич 2,61 сўмга ошган. Кейинги 2019 ва 2020 йилларда бу кўрсаткич пасайган. Шунингдек, «Жиззах пластмасса» АЖда фонд сиғими 2016 йилда 0,70 сўмни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб

эса жамият фонд сиғими ижобий натижага эришиб, 0,38 сўмни ташкил қилган. Бу кўрсаткич бу даврда қарийб 2 баробарга пасайган.

3-жадвал

«Жиззах пластмасса» АЖда асосий воситалар самарадорлиги кўрсаткичлари¹⁸

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар					
			2015	2016	2017	2018	2019	2020
1	Махсулот (товар, иш ва хизмат)	минг сўм	12257463,0	21818635,0	36317267,0	39669763,0	30654072,0	25478445,0
2	Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати	минг сўм	8600678,0	10905767,0	13922442,2	18975457,0	26771029,5	34777198,0
3	Фонд самарадорлиги	сўм	1,43	2,00	2,61	2,09	1,15	0,73
4	Фонд сиғими	сўм	0,70	0,50	0,38	0,48	0,87	1,36

Қуйидаги 4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «Жиззах пластмасса» АЖда ёши 3 йилгача бўлган асосий воситалар 2015 йилда 4,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб 21,0 фоизни ташкил этган. Эътиборлиси, жамиятда асосий воситаларнинг бу гуруҳидаги энг юқори улуш 2016 йилда кузатилган ва 2020 йилда 22,3 фоизга камайган. Чунки, мавжуд асосий воситалар 2018 йилда бу ёш гуруҳидан чиқарилган.

4-жадвал

«Жиззах пластмасса» АЖ асосий воситалари таркибига кирувчи саноат ишлаб чиқариш машина ва асбоб-ускуналари ёш таркиби¹⁹

№	Ёш гуруҳлари	Ўлчов бирлиги	Йиллар					
			2015	2016	2017	2018	2019	2020
1	3 йилгача	фоиз	4,2	43,3	25,1	24	23	21
		минг сўм	230404,0	4201070,0	3988490,1	554900232	671732319	8060328
2	4 дан 5 йилгача	фоиз	27,6	16,8	31,4	32	25	18
		минг сўм	1515704,0	1630138,0	4983865,0	739866976	730143825	6908853
3	6 дан 10 йилгача	фоиз	29,7	18,1	33,9	28	26	28
		минг сўм	1634021,0	1756657,0	5388069,9	647383604	759349578	10747104
4	10 йилдан юқори	фоиз	38,5	21,8	9,5	16	26	33
		минг сўм	2129891,0	2109672,0	1514019,4	369933488	759349578	12666175

Амортизациянинг 1 сўмига тўғри келадиган сотиб олинган янги асосий воситалар 2015 йилда 0,28 сўм, 2016 йилда 3,06 сўм, 2018 йилда 1,68 сўмни ташкил этган. «Жиззах пластмасса» АЖда асосий воситаларнинг 1 сўмига тўғри келадиган амортизация ажратмаси камайиб, амортизациянинг 1 сўмига

¹⁸ «Жиззах пластмасса» АЖ ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

¹⁹ «Жиззах пластмасса» АЖ ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

тўғри келадиган сотиб олинган янги асосий воситалар 2016 йилда кескин ошиб, 2017 йилда бироз камайган. Акционерлик жамияти 2018 йилда асосий воситаларни янгиланишга эътибор қаратиб, жамият даромадини ошишига эришган.

«Жиззах аккумулятор заводи» АЖда амортизация ажратмаси 2016 йилда йил охирида 16410967,0 минг сўм, 2017 йилда 22217938,0 минг сўм, 2018 йилда 29538016, минг сўм бўлган. Амортизация ажратмаси йиллар давомида ортиб, 2018 йилда 2016 йилга нисбатан 1,8 баробарга ортган. Корхонада янгиланиш 2016 йилда 2542969,0 минг сўм ёки 2,61 коэффициентни, 2017 йилда 7966781,0 минг сўм ёки 7,14 коэффициентни, 2018 йилда 5242615,0 минг сўм ёки 3,66 коэффициентни ташкил этган, яъни, камайиб бориш кузатилган.

5-жадвал

«Жиззах аккумулятор заводи» АЖнинг янгиланиш ва эскириш кўрсаткичлари²⁰

№	Йиллар	Амортизация ажратмаси	Янгиланиш		Эскириш		
			Минг сўм	%	Минг сўм	%	
1	2015	Йил бошида	4405839	219094,0	3,46	87678,0	56,3
		Йил охирида	5046269				
2	2016	Йил бошида	5266413	3454800,0	4,27	86461,0	49,2
		Йил охирида	6285791				
3	2017	Йил бошида	13588003	2440010,1	1,47	7998274,6	53,93
		Йил охирида	14550337,9				
4	2018	Йил бошида	7934318	3909009,0	17	1839215,0	36
		Йил охирида	12376912				
5	2019	Йил бошида	12827719	5647282,0	19	2321379,0	17
		Йил охирида	15181769				
6	2020	Йил бошида	16115206	73664442,0	19	409948,0	19
		Йил охирида	16682606				

Акционерлик жамиятида янгиланиш даражаси 2015 йилда 219094,0 минг сўмни ёки 3,46 фоизни, 2016 йилда 3454800,0 минг сўмни ёки 4,27 фоизни, 2017 йилда 2440010,1 минг сўмни ёки 1,47 фоизни, 2018 йилда 3909009,0 минг сўмни ёки 17 фоизни, 2019 йилда 5647282,0 минг сўмни ёки 19 фоизни, 2020 йилда 73664442,0 минг сўмни ёки 19 фоизни ташкил этган.

Эскириш эса 2015 йилда 87678,0 минг сўм ёки 56,3 фоиз, 2016 йилда 86461,0 минг сўм ёки 49,2 фоиз, 2017 йилда 7998274,6 минг сўм ёки 53,93 фоиз бўлиб, юқори даражада бўлган. Кейинги 2018 йилда 1839215,0 минг сўм ёки 36 фоиз, 2019 йилда 2321379,0 минг сўм ёки 17 фоиз, 2020 йилда 409948,0 минг сўм ёки 19 фоизни ташкил этиб камайиш кузатилган.

Инновацион ривожланишни таъминлаш шароитида, фан-техника тараққиёти асосида иқтисодиётнинг реал секторида инвестицион лойиҳаларни рағбатлантириш мақсадида солиқ қонунчилигида корхоналар учун инвестициявий чегирмалар жорий этилган. Яъни, бундай турдаги харажатлар фойда солиғи базасидан чегирилади. Бундай инвестицион харажатларга бўлиб, уларга қуйидагилар киритилган:

²⁰ «Жиззах пластмасса» АЖ ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

ишлаб чиқарилган кундан эътиборан уч йилдан кўп бўлмаган муддати ўтмаган машиналар, аппаратлар, қурилмалар, механизмлар янги технологик ускуналар;

асосий воситаларнинг технологик мақсадини ўзгартиришга, уларнинг унумдорлигини оширишга, бошқа сифат хусусиятларини яхшилашга қаратилган ишларга модернизация, деб қаралади;

илғор техника ва технологияни жорий этиш асосида асосий воситаларнинг, қисмларининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, маънан эскирган ва жисмонан ишдан чиққан ускуналарни янги ускуналарга алмаштиришга доир комплекс тадбирлар, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, деб эътироф этилади.

